

9-МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Хотира муқаддасдир. Миллат ўзининг миллатлигини сақлашни истаса, Хотира абадий бўлиши керак!

И. КАРИМОВ



ХОТИРА ХИЁБОНИ

*Кўплаб очилади бу ерда гуллар
Майсалар тилида ботирлар исми.
Бу ерда энг қўрқмас баҳодирларнинг
Чечакка айланиб кўкарган жисми.*

*Биз сизни унутсак ким бўлажакмиз?
Биз сизсиз ким эмас, нима бўламиз?
Саҳрода саргардон кум бўлажакмиз,
Кумга чўкиб кетган кема бўламиз.*

*Сайраб учдилар бу ерда қушлар,
Эркаланиб ўтар нозли шамоллар.
Бу ерда ҳар бир тошда дoston бор
Энг азиз хотира, азиз саволлар.*

*Жуда нозик ёғар бу ерда ёмғир,
Сим-сим товушида дуо бордайн.
Ҳар бир дарахтда ўсар қадрият,
Ҳар бир япроқда нидо бордайн.*

*Оппоқ ўрик бўлиб очиласиз сиз,
Оппоқ хотирасиз, соғинчсиз оппоқ,
Бу дунё аслида соғинч уйдир,
Хотира оқ тухфа, қадр оқ чорлоқ.*

*Хотира хиёбони —
Бундан жаннат ҳиди келади гўё.
Ассалом соғинч боғ, ассалом қадрим!
Шу ерда отидан тушади кўёш,
Ассалом кутганим, ассалом сабрим!*

*Биз сизни унутсак ким бўлажакмиз?
Биз сизни унутсак ҳеч ким эмасмиз.
Биз сизни унутсак бир ҳазон япроқ
Саратон саргайтган чим бўлажакмиз.*

*Соғинч олиб келар бунга барчани
Хотирни уйғотиш учун келарлар.
Тонгда ёш шоирлар, ўтлиғ шоирлар
Бу ерда шеър ёзиш учун келарлар.*

Зулфия МҮМИНОВА

ЎЗБЕК ГИПАМИДА ДУНЁ АППЛАРИ

«...Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг сеvimли машғулотига айланади...»

И. КАРИМОВ

1-май. Юнусобод спорт мажмуи. Эрта тонгдан байрамона безатилган спорт кошонаси ишқибозлар билан лиммо-лим тўлди. Томошабинлар қарсақлари остида майдонга 1 жаҳон чемпиони ҳакамлари ва иштирокчилари уз давлат байроқларини кўтарган тарзда чиқиб келишди.

Шундан сўнг жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросими бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро Кураш ассоциациясининг фахрий президенти Ислам Каримов шахсан иштирок этди.

Гиламга вазни 90 кг.лик полвонлар жуфтлиги чақирилди. Дастлаб қозғис-

тонлик Павел Коробкин, корейлик Пак сумбонлар майдонга чиқишди. Бу баҳсда қозғистонлик полвон Павелнинг қули баланд келди.

Шу кун соат 16дан бошлаб мусобақалар «Жар» спорт мажмуида давом эттирилди. Чемпионатнинг 73 кг. вазн тоифасидаги полвонлар беллашувларида 3 ҳамюртимиз ва бразилиялик Александр Котсраги оғир ва қийин баҳслар натижасига кура ярим финал босқичига чиқиди. Кураш ватани ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон эканлиги финал баҳсларида яна бир қарра уз исботини топди. Негаки,

(Давоми 2-бетда)



ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ТЕНГ ҲАМҚОРЛИК ЙЎЛИДА

Бир мамлакатнинг тобора тараққий топиб, мақсад-муддаси уз фуқароларининг бахт-саодатини кузлаш, дунё халқларига ҳам яхшилик ва эзгуликлар соғинашдан иборат эканлигини жаҳон миқёсида исботлаши ва куз-кузлаши бирпасда осон кечадиган жараён эмас... Бунда шу мамлакат юртбошининг ички ва ташқи сивсатни тўғри йўлга қўя олиши, дунё миқёсидаги бир қарашда илғаш, англаш гоятда қийин бўлган турфа ўзгаришлар, янгилашилари билан хоҳлаш олиши, уз халқ юрагиндан мустақкам жой олиши талаб этилади.

Юртбошимиз — «Юртининг ҳар бир боласи ўзининг болаларим. Болаларини ҳеч кимга бермайман», — дейдилар...

«Аёлларимизни ҳурмат қилайлик, эъозлайлик. Бу фоний дунёда оналаримизни бошимизга кутарайлик. Қанийди онагинам тирик бўлсалар, дунени сайру савҳат қилдириб келмасидим. Оналаримизнинг, оталаримизнинг умрини ганимат билиб, қадрига етайлик», — дейдилар...

«Оила — муқаддас даргоҳ. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланиши, ҳаётда уз урнини топиши, қадр-қийматга мушарраф бўлиши, эзгу из қолдириши унинг оиласида-

ги муҳитга, ота-онасига боғлиқ. Оила фаровонлиги — юрт фаровонлигини таъминлайди», — дейдилар...

Юртбошимизнинг телевидениедаги, матбуотдаги ҳар бир чиқиши, ҳар бир сўзи бизнинг инсонпарвар, меҳрпарвар, тинчликпарвар халқимиз юрагида акс-садо беради, утмишимизни ва бугунимизни қадрлашга ёрқин келажагимизни тезроқ бунёд қилишга ундайди...

«Эл нетиб топмай мениким, Мен ўзимни топмасам», — деганлар улуг Алишер Навоий...

Инсон бу дунёда яшаркан, аввало ўзини-ўзи ҳурмат қилиши керак. Узгалар ҳурмату эъозига ана шундагина эришади. Мамлакат одамлар билан, халқ билан мамлакат, унинг тақдирини ҳам уз халқи билан уйғунликда таркиб топади. Биз юртбошимиз раҳбарлигида уз қадр-қийматимизни топдик, англадик. Маънавиятимиз илдишлари нақадар чуқур ва нақадар бой эканлиги амин буддик. Утмишдошларимиз руҳи покларини муқаддас билиб, улар қадамжоларини чангу губорлардан тозалардик. Уз ақлу заковати билан дунёни эгаллаган улугларимиз хотирасини эъозладик, қадимий иморатларимизни таъмирлаб, қайта бунёд этдик... Бу эзгу амалларимиздан ҳамиша сергак ва уйғоқ жаҳон оғоҳ будди, тан

берди... Апрельнинг иккинчи ун кунлиги узида йиллар мазмунини жойлагани, тарихий оламшумул воқеаларга бойлиги билан Ватанимиз ҳаётда алоҳида аҳамият касб этди.



Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўли тинчлик, барқарорлик, тенг манфаатли ҳамкорлик, дустлик асосида қурилганлигини, қад роллаганини жаҳон миқёсида яна бир бор исботлади.

Президентимиз Ислам Каримов НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб САММИТ доирасида бўлиб утадиган Евроатлантика ҳамкорлик Кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун АҚШга ташриф буюриб қайтди.

Президентимиз ташрифидан телевидение ва оммавий ахборот воситалари орқали оғоҳ буларканмиз қалбимиз фахрифтхор тўғуларига тулиб тошди.

Айниқса, Президентимизнинг «Умид» жағмармаси йўналиши буйича Америка олий укув юрларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлари

билан учрашуви узоқ пайтлар хотирамизда сақланади. Президентимизнинг фарзандларинизга оталарча муносабатларини, оталарча ғамхуриликларини ҳис этдик.

Президентимиз ёшларнинг ҳар бири билан қуришб танишарканлар, «Сизни Ватанингиз кутаётганини унутманг, сизнинг билимингиз, салоҳиятингиз халқингизга хизмат қилиши кераклигини ёдда сақланг», деган уғитни қайта-қайта такрорладилар.

Президентимиз Грузия, Украина, Озарбайжон, Молдова давлатлари раҳбарлари билан учрашди. Бу тўрт давлат минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотик ва бошқа соҳаларда узаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини (ГУАМ) тузишган. Энди унинг таркибига Ўзбекистон ҳам қўшилди.

Ислам Каримов АҚШ «Эксимбанк» Президенти Ж. Хермон билан учрашди. Ўзбекистоннинг бу йирик молиявий муассаса билан ҳамкорлиги муҳокама қилинди.

Учрашувлар, мулоқотларда барча йиғилганларнинг диққат маркази Президентимизга қаратилганига, юртбошимиз дунё миқёсидаги таникли, обрўли ҳисларнинг олдинги сафидан урин олганига ғувоҳ буддик.

Президентимиз Урта Осиё ва Кавказ мамлакатлари давлат раҳбарларининг АҚШ сенаторлари гурӯҳи билан учрашуви-

да ҳам иштирок этди. Ислам Каримов АҚШ сенатининг Буюк Ипак йўли буйича қарор қабул қилиниши кутилаётган сабъ-ҳаракатини қўллаб-қувватлашни изҳор этди.

25 апрел кунини Президент Ислам Каримов НАТОнинг 50 йиллигига бағишланган САММИТнинг ялпи мажлисида қатнашиб сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари Жаҳон банки гурӯҳи Президент Ж. Вулфенсон билан учрашиб узаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олди.

Шу кунини яна бир муҳим учрашув бўлди. Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов АҚШ давлат Котиби Мадлен Олбрайт билан учрашди. Унда Ўзбекистон билан АҚШ уртасидаги сивсий-иқтисодий муносабатлар, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи — катта доирадаги ҳар бир учрашувлари, мулоқотлари давлатимиз, халқимиз манфаатларини қўзлаганлиги, келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Демак, Ўзбекистон юртбошимиз раҳбарлигида тараққиётнинг тўғри йўлидан бораётганлиги, буни жаҳон ҳам тан олаётганлигига яна бир бор амин буддик.

Дилбар САИДОВА

ЎЗБЕК ГИПАМИДА ДУНЁ АЛПЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

чемпионат олтин медали учун бўлган бахсда икки ҳамюртимиз Термизлик Мафрунқули Маҳмудов ва бухорлик Ақобир Қурбонов галаба қозониб кураш буйича биринчи жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

90 кг. полвонлар уртасидаги учрашув эса янада

қизиқарли кечди. Чунки қирққа яқин давлатдан келган алқомат полвонлар ичида 4 нафар ўзбек уғлонлари олтин, кумуш ва бронза медалларига даъвогар эканликларини исбот этишди. Қўллаб халқаро турнирлар голиби қашқадарёлик Баҳром полвон Аветов ярим финалда дзюдо буйича мамлакатимиз чемпиони бухорлик Камол Муродовга ютқазиб қўйди. Кейинги икки жу-

фтлик Армен Багдасаров кучли эканлигини кўрсатди. Финалда эса Камолполвон қисқа фурсатда чемпионатнинг олтин медалига муносиб эканлигини исбот этди.

Мутлақ вазн тоифасидаги беллашувлар ҳам ута муросазис баҳслар остида ўтди. Бунда эронлик, арманистонлик, тожикистонлик, латвиялик, қозғистонлик, бразилиялик япониялик полвонлар узларини кўрсатишди. Бирок, ярим финал учрашувида биргина бразилиялик Карлос Эдуардо етиб келди. Кутилганидек финал беллашувларида Сурхон воҳасининг икки паҳлавони бойсунлик Тоштемир Мухам-

мадиев ва деновлик Эрали Маҳмарасулловлар рубару келишди. Бунда Тоштемир полвон уз рақибидан устун келиб, жаҳон чемпиони деган шарафни қўлга киритди. Мусобақа совриндорлари чемпионатнинг олтин, кумуш, бронза медаллари билан тақдирланди. Улар қуйидагилар:

73 кг. вазн тоифаси буйича:

1. Ақобир Қурбонов,
2. Мафрунқули Маҳмудов,
3. Александр Катсураги,
4. Хайрулла Насруллаев,

90 кг. вазн тоифаси буйича:

1. Камол Муродов,
2. Армен Багдасаров,

3. Баҳром Аветов,
4. Шухрат Хужаев,

Мутлақ вазнда:

1. Тоштемир Мухаммадиев,
2. Эрали Маҳмарасуллов,
3. Карлос Эдуардо,
4. Ботир Хужаев.

Шундай қилиб ўзбек кураши буйича илк жаҳон чемпионати ҳам якунланди. Бу эса «Жар» спорт мажмуига ташриф буюрган минглаб мухлислар ва телеэкранлар қаршисида утирган миллионлаб мухлисларга зами — шавқ улашди.

НИГОРА АЛИШЕР ҚИЗИ

«ВАФОНИНГ ОҚ ЙЎЛИ ШУНЧА УЗУНМИ?»



Ҳассос шоиримиз Гофур Фулом шеърятини Ватан тимиоли, она юрт қадри, шу билан бирга ўқиб қалбларининг дардига малҳам бўлиш руҳи аққол кўзга ташланади. Мен улуг шоир шеърятини аёл образи ҳақида уз мулоҳазаларини билдирмоқчи эдим.

Шоир уз умр йўлдоши, фарзандларининг онаси, шоир асарларининг биринчи ўқувчиси ҳам, биринчи танқидчиси ҳам бўлган Мухаррам аяга кўплаб шеърлар бағишлаган. Аянинг умрлари узоқ бўлсин, бу йил 85 баҳорини қарши оладилар. Шеърятини, қолаверса, адабиётни яхши тушунган,

уни ҳис қилган Мухаррам ая, ўзининг бутун борлиги, гузаллиги, вафоси ва латофати билан, қолаверса, оиладаги аёллик урни билан шоирга илҳом бахш этарди, муҳаббат асосида қурилган оиласини жондан-да ортиқ севишга ундарди.

Шунинг замирида Мухаррам аяга бағишланган «Мухаррам», «Суранг» ва «Сочинг оқарибди» каби шеърлари дунёга келди. Ушбу шеърларни кўздан кечирар эканмиз, аёлларда учрайдиган, аммо буни ҳамма ҳам тан олавермайдиган (баъзи эркаклар), аёлларнинг аёллигига хос фазилатларини очиб берди.

Халқимизда, «Шоирнинг аёли бўлиш, жудаям мушкул иш», деган ибора юради. Бунинг нечоғли ҳақиқат эканлигини, фақат шоирнинг аёлигига тушунади. Мухаррам ая эса ўзининг кичкина жуссасида оила, фарзанди ташвишлари билан бирга шоирнинг инжиқликларини ҳам кўтарди. Туну кун ижод билан машғул шоир эса, аёлларнинг гузаллигини, вафою садоқатини уз олдиди аёлида учратди.

Дахлаб, шоир ҳаётининг мазмунини булган, шоир муҳаббатини қозонган

аёл, шоирнинг ижод саҳифаларидан ҳам урин эгаллади. Ҳа, юқорида таъкидлаганмиздек, адабиётимизга бағишланган асарлар жуда кўп учрайди. Лекин адабиётимизда аёлларимизда ўзининг севимли ёрига, турмуш уртосига бағишланган, уни шеър сифатида шеърят майдонига кирита олган ижодкорлар камдан-кам. Мухаррам ая 85 ёшда бўлишларига қарамасдан, хотираларининг ўткирлиги нуктаи-назаридан Г. Фулом томонидан узларига бағишлаб ёзилган шеърларни доим ёддан айтиб юрадилар. Гурурланиб, «Айтинг-чи, қайси шоир уз хотинига шундай ажойиб шеърлар ёзган?», — деб сураб қўядилар.

Гофур Фулом шеърятини битмас-туганмас мазмунга эга. Биргина Мухаррам аяга бағишланган шеърлари орқали, Г. Фулом шеърятини мазмун моҳиятини очиб ниятдан бирокман. Лекин шунга аминманки, уз даврида ўзбек аёлига булган чексиз муҳаббатни, унинг вафодорлигига, садоқатига хурматини, бир қўлида бешиқ, бир қўлида дунёни тебратиб турган аёлларимизни, яна нималарга қодир эканликларини ҳис қила олган шоир, Мухаррам аяга бағишланган шеърлари орқали, ўзбек аёлининг ички, гузал дунёсини очиб бера олган шоирдир.

Мухаррам ая эса шундай аёлларнинг ёрқин тимиоли сифатида шеърят майдонига муқим қолди. Қўйида Мухаррам аяга бағишланган яна бир шеър:

СОЧИНГ ОҚАРИБДИ

(Рафиқам Мухаррамхонга атайман)

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,
Сочингда мунчалар оқ кўп Мухаррам?
Ишқингда кезганим тоғотларини,
Уриб олгандирсан, шу дурранг кўркям.

Қирқ йил қирғин бўлса, қопқа тубида,
Бахтинг кўригиди ўзим посбон.
Ўзим қулосинга шивирлаганда,
Бағримга очилган бағрингдан жаҳон.

Ёдимда ўша кун таллинган юрак,
Бузиб қочоларди кўкрак қақсинга.
Агар сезмасайди туташганини,
Сенинг нафасингга ўзин нафасин.

Менинг Мухаррамим шеърлар ёзиб,
Кўнглини овламоқ ниятин эмас.
Сочинг юлуғидан тузоқ боғлабон,
Қалбим бедонасин овлагансан, бас!

Вафонинг оқ йўли шунча узунми
Сочингда мунчалар оқ кўп, Мухаррам?
Шарафлар кутидек икки қанчалганга,
Бутун мазмунимни ҳаёда қилсан кам!

Гофур ФУЛОМ

М. ҲАСАНОВА,
ЎзРФА А. Навоий номили тил ва адабиёт институти аспиранти

СЕВГИНИ ГЎЗАЛ ЧЕҲРАДАН ҚИДИРМА...

«МЕН ЭНДИ НИМА ҚИЛАЙ?» 40 — сон

Ҳурматли Бобурбек, сенинг юрак изтиробларинг, дил ҳасратларинг, қалбинг ва вужудинг кийнаётган оғир бир кийноқ билан битилган мактубингни ўқидим. Мен ҳам севганман ва севиб яшамоқдаман. Ҳар сония мана шу севгимга содиқ бўлиб яшаш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бир бошга бир улим деганларидек, ҳар бир юракка бир мартаба севиш насиб этади. Фақат мана шу севган қалб севгилар ичида қай бири чин севиш эканлигини ҳис қилиши даркор. Лекин сен шундай қалбини, шундай инсонни севгинки, мана шундай соф севгингга лойиқ бўла олсин.

Бобурбек, сен ҳам ҳиссиётга бой бўлган дамларингда севги деган улкан бахтни ҳис қилишга муюссар бўлибсан. Афсуски, баъзан сен каби соф қалбли йигитлар ахлоқсиз қизлар томонидан алданиб қолади. Сенинг қалбинг ҳозир кур, ҳар нарсани қуриб қурмасликка, хаттоки кечиришга ҳам қодир. Чунки сен севасан, улкан бир куч сенинг устундан ҳукмрон.

Ҳар бир аёлга Аллоҳнинг узи инсоф берсин. Инсофи бўлса хул-хул, инсофи бўлмаса ундай аёлдан ҳар нарса кутиш мумкин. Сен уни кеҳирдинг, энди у қизнинг ҳаётида «мен нима қилсам, барини кеҳираверади», — деган фикр бўлади. Ҳали сен оила қурмадинг, сен тасаввур қил, агар мана шу ҳодиса фарзандли бўлиб, кўп йиллик турмушдан сунг содир бўлса. Бундан даҳшатлироқ фожиа бўлмайди сен учун. У қиз сенда йўқ, сендан толмаган нарсани узга бир йигитдан қидирди, шундай экан турмуш қурганингдан сунг сенда йўқ ва сен қилиб беролмаган нарсани узга эркакдан қидириши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас-ку. Яхши, у йигит уйланган экан, агар уйланмаганда у билан бирга бўлиб сени ташлаб кетиши мумкин эди. Энди чорасиз қолганда яна сени қидириб келдими? Сен ҳали жуда ёшсан, ҳали гурсан, ҳали турмушга тайёр эмаслигини уни кеҳиришга қодир эканлигиндан ҳам курс бўлади. Мағрур бўл, инсонийлигингни йўқотма, севарканман деб хатоларни ҳаётингга гов қилма.

Мен ҳам аёлман, бешим ҳам сендан катта. Авл қалбидан шунчигенга айта оламани, қумушдек соф туйғули қизлар ҳам жуда кўп. Менимча, сен ва уша «Х» исмли қиз учун ҳаёт томонидан берилган улкан синов эди бу. Шу синовни теран фикр билан идрок этган ҳолда ҳал қилиш сенинг ҳаётда бахтли ёки бахтсиз бўлишингни белгилайди. Мен аминманки «Х» исмли қиз сенинг севгингга лойиқ эмас. У қизни унутуш, севгингдан воз кечиш жуда қийин бўлади. Онангга ётиги билан тушунтир, онанг албатта, сени тушунади ва албатта сенга ҳақ йулни курсатишга кумақ беради. У қиз сени севмайди, сенга бемехр. Агар севганда сенинг урингга ҳеч кимни куя олмас эди, сени алдай олмас эди. Сенга бир ўмр вардор бўлар эди.

Узингни қўлга ол, мард бўл, мағрур бўл, қалбингга яхшироқ қулқол сол, қалбинг сенга ҳеч қачон ёмонлик равж кўрмайди.

Яна бир маслаҳатим, ҳеч қачон севгинда, муҳаббатдан кунглинг совиб кетмасин. Шунда турмуш қийинчиликларини енгиб ўтишинг осон кенеди. Севгини ҳеч қачон гўзал чеҳрадан қидирмагин. Севгини буюк туйғу деб билган қалбдан қидиргин.

Сендек соф қалбли йигитларга эса пок ва соф қалбли, ибодли, ҳаёли қизларнинг насиб этишида Аллоҳнинг узи мададкор бўлсин.

Феруза РУСТАМОВА,
28 ёшда, Тошкент шаҳри

ВОЗ КЕЧГАНИНГИЗ МАЪҚУЛ

«ГАРОВ ЎЙНАБ МЕНГА УЙЛАНГАН ЭКАН» — 16-сон

Тўғриси, бу мақолани ўқиб бироз ранжидим. Чунки инсон ўз қадрига ета билиши керак-да!?. Одам боласи дунёга бир марта келади, ахир. Агар инсон ўз қадр-қимматини билса, узгалар ҳам шунга яраша муомаллада бўлишарди. Шу боис одам энг аввало ўз қадрига ета билиши керак. Оила мўқаддас нарсадир. Уни авайлаб ардоқлаш зарур. Лекин буни эркак тушуниб етмадими, бундай оилани азоб ва ҳақоратлар эвазига сақлашнинг кераги йўқ, деб уйлайман.

Синглим Нилуфар! Сиз оилангизни сақлаб қолиш учун, турмушнинг барча аччиқ-чучуқларига чидаб, фарзандларингиз жуда ёш бўлишига қарамай рўзгорингиз ҳам ҳамма ташвишларини ўз бўйингизга олибсиз. Эрингиз камомат эвазига қамалган ҳақида эшитиб, хайратдан ёқа ушлабсиз. Турмуш уртоғингиз (шундай дейишга тил ҳам бормайди) қамқонада бўлиб ҳам сизни ҳақоратлашдан тўхтамаётган экан, ҳам ундан воз кечганингиз маъқул. Энди узингизни, фарзандларингизни уйланг.

Тўғри фарзандларингизга ота керак. Лекин оилада ўз урнини тополмаган эркак, ўз

пуштикамарида булган фарзандларига ҳам оталик қилолмайди. Бас шундай экан, бундай мунофиқ эр ва ота билан яшагандан болаларингизнинг отасиз усғалиги, миғ марта афзалдир. Ҳаётда қанчалик тасодифлар бўлмайди дейсиз. Эҳтимол, сиз ҳали ўз жуфти-ҳалолингизни топиб кетарсиз. Сиз асло жамоат ҳукмидан қурманг. (Эсингиздами, қулнингизни личқо кесиб кетганида ҳам, атрофдагилар туғул, ота-онангизга ҳам лом-лим демагандингиз). Бунчалик азоб чеккандан қура «ёлғиз аёл» деб таъна қилганликларини ҳам енгилроқ-ку! Мағрур бир актриса ҳар кун эрталаб кузгуга қараб: «Мен мени ҳаммадан кўпроқ севман деркан». Мағрур бўлинг! Узингизни топталашларига йул қуйманг! Баъзи бир руҳан ожиз, идроксиз эркак зуравонлик утказишга ҳаракат қиладилар. Сизнинг тақдирингиз худди ана шундай эркакка рўпару бўлганми. У ҳеч қачон, хаттоки қариганингизда ҳам қадрингизга етмайди.

Сизга сабр-бардош ва бахт тилайман.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Тошкент шаҳри

ЎЗИМИЗНИ ЭМАС, БОЛАЛАРИМИЗНИ ЎЙЛАЙЛИК

«МЕН ОСМОНМАН, ЮЛДУЗНИ ЙЎҚОТГАН» 1-сон

Мен бу мактубни ўқидим-у, бутун жаҳон қузимга қоронғу бўлиб қолди. Ўзимнинг туқ-қиз йил турмуш қуриб чеккан азобларим қуз ўнгимда қайта намоян бўлди.

Маҳбуба опа, сизнинг соф севгингизни, чексиз муҳаббатингизни оёқ ости қилиб кетган уша юлдузингиз ҳозир бахтли эканми? Йўқ, ҳеч қачон бахтли бўла olmayди. Чунки беш нафар фарзандингизнинг оҳ-зори, увол тўтмайди? Бундай бағритош оталар кўп экан, дунёда. Энди сиз билан менга ўхшаш оналарга Аллоҳнинг сабр-бардош берсин. Оилада ҳам она, ҳам отамиз. Қизим Наргизанинг «Дадажоним меҳрига зорман», деб «Оила ва жаньят» газетасига ёзган мақоласи юрагимни жарликка улқотирди. Мен болам ҳали ёш бола, унча-мунчани тушунамайди деб ўйлардим. Дадасининг йўлига шунчалик интизор бўлганини билиб зор-зор йиғладим. Ахир бағри тош ота, ўз фарзандингиз билан олишиб ётган чолларини эшитиб, қандай чидаб турдинг. Юрагинг бунчалар тош экан, деб ҳайқиргим келади. Она фарзандини бағрида асрайди, ўзи емай едиради. Ота эса

дарров бошқа аёлга уйланиб олиб, тўрт кунлик умрини айш-шират билан утказишини ўйлайди. Мана мен ҳам, сиз ҳам тирик бўла туриб юлдузларимиз бошқа бировнинг орқасидан эргашиб кетди-ку. Лекин, шунчигенга бўлган-ки, бир кунчи бундайлар ўз қилмишларига шундай пушаймон бўлишадими, афсус унда кеч бўлади. Биринчи хотиннинг боши тош, иккинчи хотиннинг боши шиша бўлади, дейдилар. Дарҳол синиб кетар экан.

Маҳбуба опа, сиз дунёда энг бахтли аёлсиз. Чунки беш нафар фарзандингиз бағрингизда. Энди уларнинг бошини силаб яшанг. Яна синглим Мунисага ўхшаб ўз жонингизга қасд қилманг, бу дунёда. Узингизни эмас, балки болаларингизнинг келажагини уйлаб яшашимиз керак. Оталари-ку, ташлаб кетди, биз ҳам ташлаб кетсак, буларнинг ҳоли нима кечади? Буни уйлаб қуриг. Кўп қайғуриб, қуз ёш туқманг. Соғлигингизни йўқотиб қуясиз. Энди қайғуришингиз фойдаси йўқ.

Х. СОҲИБНАЗАРОВА,
Бухоро вилояти,
Шофиркон тумани

ҲАЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётда кечаётган ислохотлар жараёни Республика «Болалар» жамғармаси Наманган бўлими фаолиятида ҳам катта узгаришлар ясамоқда. Хусусан, бўлимнинг ижтимоий ёрдам курсатувчи гуруҳлари шу аснода ташкил топди. Мазкур гуруҳ бўлимнинг «Уйим менинг — чирогим менинг» деб номланган иш дастури асосида фаолият курсата бошлади ва ҳаётнинг мушкул вазиятларига тушиб қолган болаларга ижтимоий ёрдам курсатилиши ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Даставвал 1995 йилда 25 нафар етим-есир болалар гуруҳи асосида бошланган бу ҳаракат кейинчалик ривожланиб бориб, вилоятнинг қўл-сана шадар ва туманларини қамраб олди. Бугунги кунда мазкур ҳаракат доирасидаги ишлар қўлама янада кенгайиб, унинг тарафдорлари тобора қўлайиб бормоқда. Бунда асосий диққат-эътибор болаларнинг соғлигини тиклашга, уларни билим олиш ва касб-ҳунарга йўналтиришга қаратилган.

Боланинг қувончу шодлиги каби гам-қайғуси, дарду ҳасратлари ҳам биз катталар туйғулдир. Бу ўринда ота-она, маҳалла, мактаб кўни-қўни айбдор, бола эмас. Лекин кат-

та ёшдаги кишилар буни тан олгимиз келмайди. Аксарият ҳолатларда маъсулиятни ўзимиздан соқит қилишга одатланиб қолганмиз. Ортиқча бош оғриққа тоқатимиз йўқ.

Ижтимоий ёрдам курсатувчи гуруҳлар хизматида шу тариқа эҳтиёж туғилган эди. Гарчи узққ йиллар давлат ва жамоат ташкилотларида масъул лавозимларда фаолият курсатиб олами-қўлим тажриба тулпаган бўлишига қарамайдан бундай хизмат турини йўлга қўйиш Наталя Алексеевна учун осон бўлмади.

— Мен болалар билан ишлаш жараёнида ҳақиқий ҳаётга дуч келдим, — дейди унинг ўзи бу ҳақда тўлқинланиб гапираркан. — Аввалига йиғлардим нуқул. Аҳволни қуриб қўнглим бўшаб кетарди. Қарасам, қуз ёш тўқиб билан бирор нарсага эришиб бўлмайди. Уша пайтда шароит болалар ҳаётини муаммоларнинг ечимини топиш учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо қиларди. Ҳартугул ижтимоий таъминот соҳасидаги иш фаолиятини давомида билган-урганларим асқотди.

Наталя Алексеевна жамғарма бўлими бошлиғи сифатида фаолият курсатаркан, дастлаб «Болалар уйи»даги шарт-шароитни яхшилаш, у ерда соғлом маънавий муҳит яратиши

дан иш бошлади. Бу бежиз эмасди, албатта. Чунки мазкур масканда тарбияланувчи болаларнинг шахсий ҳаёти, тақдирини, билим олиш даражаси, касб-ҳунар эгаллашга қизиқиши ва ҳаётга булган муносабати ота-она қарамоғидаги болала-



риникидан кескин фарқ қиларди. Улар ўртасидаги тафовут катта эди. Оддий бир мисол. «Болалар уйи»нинг болалари орасида олий ўқув юртларига кириб ўқийдиганлари кам учрайди. Аксарияти техникум ва билим юртларида таҳсил олишадими. Асосий сабаби болаларнинг ўзида илм урганишга қизиқиш сўст.

«Болалар уйи»даги яна бир муаммо — бу болаларнинг ташқи муҳит таъсирини, реал ҳаётдан ажралган ҳолдаги турмуш тарзи билан изоҳланади. Улар асосан ётоқхонада яшагани учун оила ҳақида тузук-қуруқ тушуночга эга бўлишмайди. Унинг узига хос ички қонун-қоидаларини яхши билишмайди. Хусусан, ўғил болалар оила тебратилиш, рўзгор юритиш ва пул ишлатишни билмагани сингари қизлар

бўлгуси уй бекаси сифатида зиммаларига юкланадиган бурч ва вазифалардан беҳабар бўлиб усиб-улғайишди. Шунингдек оила бюджетни турғисида ҳам тушунча ҳосил қилмаган ҳолда воёга етишарди. Ваҳоланки, ҳар бир бола оила бюджетининг қандай яратилишини билиши шарт. Бу нарса унинг келгусидаги ҳаётини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Халқ таъбири билан айтганда, ҳисобини билса, ҳамёнидан айрилмайди. Қолаверса, оилавий ҳаёт фақат яхши ёйиш-ичиш ва кийинишдан иборат эмас. Бундан ташқари унинг талай муаммолари борки, сўзсиз, уларни ҳал этмасдан яшашини сира илоҳи йўқ. Айтийлик, телефон, электр энергияси, уй-жойдан фойдалангилар учун хизмат ҳақини белгиланган муддат ичида тулаб туриш керак бўлади. Акс ҳолда эса бундай имтиёزلардан истифода қилиш муҳим бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Оила бюджетини ҳисобидан қопланадиган ана шундай сарф-ҳаражатлардан бевосита ва билвосита болаларнинг воқиф булганликларини мақсадга мувофиқлар. Чунки, булар бола учун узига хос ҳаёт дарси бўлади. Билиб-қуриб тургани ва ургангани узига фойда, ақли тулиб, қузи пишади. Шу тариқа у узини мустақил турмушга тайёрлаб

боради. Маълум маънода қуниқма ҳам ҳосил қила бошлайди. Энг муҳими, бу аснодаги ҳаракатлар аста-секин болани боқимандалик қайфиятидан халос этган ҳолда меҳнат қилиб яшашга ургатади.

Болалар жамғармасининг вилоят бўлими томонидан ҳар йили баҳор фаслида ўтказиб келинаётган «Наврўз-умид дарахти» байрам тадбири ҳам мазмун-моҳияти жиҳатдан болаларни меҳнатга ургатишга қаратилгандир. Ушбу байрам тадбири номланишига қура рамзий маънога эга. Шу кунчи вилоятнинг болалар худудларида яшовчи болалар бир тулдан умид дарахти қучати утказишади. Оммавий равишда амалга ошириладиган бу юмуш кейинчалик доимий тусга кирди. Сабаби умид дарахти мисолида бола ўзининг келажагини тасаввур этади. Шу боис ҳам уни меҳр билан парварши қилади. Умид дарахти болани табиатга яқинлаштиради, уни севшига, асраб-авайлашга ургатади.

Ушбу байрам тадбирининг яна бир эътиборга молик томони шундаки, уни ўтказиш жараёнида турли шароитда яшайдиган болаларнинг ҳаётдаги интилиши, қизиқиши ва истак-хоҳишлари ҳам ўрганиб борилади. Шубҳасиз, бундай таҳлилий тажрибалар болалар руҳий ҳолатини аниқлашда ижтимоий ёрдам курсатувчи гуруҳларга кумақ бермоқда.

К. ТОШМИРЗАЕВ

ШАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз фарзандимиз
Фирдавсжон Қоқжаев!



Сени 8-май таваллуд айёминг, яъни 4 ёшга тулганинг билан табриклаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлгин.

Бувинг, каттанг, даданг Эркинжон, аянг Нигора


Хурматли Ноила Зокрибова!



Сизни муборак 69 ёшинг билан табриклаймиз! Савдо соҳасида ишлаган 40 йиллик меҳнатингизнинг роҳатини куринг.

Эҳтиром билан жиянингиз
Муҳаммаджон,
Чилонзор тумани

Абдулло ака!



30 ёшингиз муборак! Бахт, соғлиқ ёр бўлсин. Камол тоғлиб юринг.

Нигора, Равшан,
Гулхида, Сарвар

Дўстимиз Нўрбаков!



60 ёшингиз билан табриклаймиз! Соғ бўлинг.

Дўстларингиз Сабрбек,
Рашид,
Камолитдин, Рустам

Азиз ситилим
Шахло ФОЗИЛОВА!



33 баҳоринг муборак бўлсин!

Соғ бўлгин.
Опанг Вазира, жиянинг
Басила, қизларинг
Юлдуз ва Мафтуна

**ЭЪЛОН
СОТИЛАДИ:**

9 хонали, 5 сотих ери бор, барча қулайликларга эга бўлган ҳовли Тел: 34-11-41.

Мирзо Улугбек туманидаги «Анзос» хусусий фирмаси тугатлади. Тел: 161-10-56

ОТАНГА БОР, ОНАНГГА БОР

Мени Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳужалиги Вазирлигининг (1998 йил 14 январ 13 сонли) буйруғига асосан ишчи уринларини қисқартарилиши муносабати билан ҳеч қандай оғохлантиришсиз ишдан бушатишди. Шундан кейин мен ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилиб бир неча марта туман қишлоқ ва сув ҳужалик бошқармаси, меҳнат биржаси бўлимига мурожаат этдим. Лекин бирор ихобий натижа ололмадим.

1999 йил бошида ҳужалик раҳбари алмашган, янги раисга ҳам учрашдим. У кишининг номига иш сураб ёзган аризам ҳалигача жавобсиз қолиб келмоқда. Раис «ўйлаб курашимиз» деган сўздан на-

рига ўтмади. Барча эски ходимларни алмаштириб ўрнига янгиларни тайинлади. Мен эса ҳамон ишсиз юрибман. Устига-устак 1998 йил июл-ойдан жорий йилнинг апрел ойигача бўлган даврдаги иш ҳақимни ололмадсан овораман.

Хурматли тахририят! Менга матбуот орқали ёрдам бермасангизлар маҳаллий раҳбарларнинг: «Отанга бор, Онангга бор», — қабилдаги найранглари ҳали-вери тугамайдиганга ўхшайди.

Тўрмурад ЖОВЛИЕВ,
Қамаши туманидаги Й. Охунбобоев
номли деҳқон-фермер уюшмаси аъзоси

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Мен бундан 8 йил олдин қонуний равишда турмушга чиққандим. Биз турмуш ўртоғим билан икки нафар фарзандли бўлдик. Эр-хотин биргаликда 3 хонали квартира сотиб олдик. Оилавий келишмовчиликлар туфайли ўтган йили суд орқали ажрашдик. Хужайиним мени фарзандларим билан уйдан ҳайдаб юборди. Бутун мол-мулким, кийим-кечакларим уйда қолиб кетган. Мени қонуний руйхатдан ўтган уйимдан фойдаланишга қандай имтиёзим бор?

Зухра Иброҳимова,
Самарқанд шахри.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари умумий мулк ҳисобланади. Агарда сотиб олган уйингиз эрингиз номидан бўлса, унда бунга болаларнинг тугилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нусхалари, эрингиз билан ажрашганингиз ҳақидаги суд қарори ҳам қўшиб юрсатиларилади. Суд сизнинг аризангизга асосланиб сизни ва болаларингизни уйга киритиш ҳақида ҳал қилувчи қарор чиқариб беради. Бундан ташқари сиз Оила кодексининг 96, 97-моддасига асосланиб, эрингиздан иш ҳақининг бир қисми миқдорда алимент пули ҳам олишингиз мумкин.



Сизнинг ҳам қонуний мулкнингиз ҳисобланади. Оила кодексининг 24-моддасига асосан сиз ҳам яшаб ҳуқуқига эгасиз. Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодексининг 52-моддасига асосланиб сиз судга даъво ариза беришингиз керак. Ва

**Забихилло
МУҲАММАДЖОНОВ,**
ҳуқуқшунос

ДОНО УСТА ҲИҚМАТЛАРИ

Мен бир одамни жуда яхши биларман. У қирқ бир йил тракторчилик қилиб, пенсияга чиққан. Сўхбатлашсангиз, гапни трактордан бошлаб, трактордан тугатади. Жўяли гап-сўз эшитмайсиз.

Аммо уста Утбосар деган бир инсонни кўп эслаб юрарман. У уйимизни ҳам қуриб берган эди. Гаплашган сари гаплашганингиз келаверарди. Ҳазил-мутойибага, ҳикматли гапларга ҳам уста эди.

Уста Утбосардан эшитганларимни сизларга ҳам айтиб бергим келди.

ПАЙРАҲА

Қадим замонларда бир уста бир бойнинг уйини чиройли қилиб қуриб берибди.

Бундан хурсанд бўлиб кетган бой устага ярим қоп пул берибди.

Уста пулни орқалаб, ёлғизоёқ йулда кетиб бораётган экан, рўпарасидан бир чол келатганини курибди.

— Оббо, — дебди уста, — энди нима қилдим? Чолга қопимдагини пул, десам, сурайдди. Яхшиси пайраҳа деб қуяқоламан.

Чол устага яқинлашган, у билан сурашибди ва дебди: — Уғлим, қопингдаги нима? — Пайраҳа, отахон, пайраҳа. — Омин, илоё пайраҳанг куйайсин, болам!

Чол юзига фотиҳа тортибди, йулида давом этибди. Уста бир оз юриб, орқасига қараган экан, чол ғойиб бўлиб қолди. Шошиб қопни очиб курибди — ярим қоп пайраҳа турган эмиш. Устага учраган чол Хужай Ҳазир экан. Шу-шу уста иш қилганда, олди

«Оила ва жамият» ўғитномаси

пайраҳага тулиб-тошиб тупаркан.

АРРАДЕК БЎЛ

«Ишни асбоб қилади, эгаси лоф уради» дейишади. Лекин ана шу асбоблар бажарадиган ишлардан ҳам бир маъно чиқарса бўларкан. Уста Утбосар буну уддасидан чиқарди.

— Тешани иши — пайраҳани олдига тушлаш, — дерди у. — Ранданинг иши — қиринди сочиш. Арра эса икки томонга баб-баробар тупуш туплайди. Сен катта бўлсанг тешага ўхшаб, фақат ўзингни уйламагин. Рандага ўхшаб, бор-будингни сочиб юборма. Гадоий бўласан. Аррага ўхшаб тенг иш қилсанг, ўзингга ҳам, узга-

ларга ҳам яхшилик қилган бўласан.

УСТА

НАСИҲАТЛАРИДАН

— Уста ичкиликбоз бўлса, курган уйи ҳам узига ўхшаган бўлади.

— Устани рози қилмаган хонадон эгаси солган иморатида узоқ яшамайди.

— Етти ўлчаб, бир кесмаган уста — уста эмас.

— Уста кўрқок бўлса, томдан йиқилиб, ўлади.

— Устачилик фақат меҳнатдан иборат эмас. У санъат ҳамдир.

— Уста мактанмасин Уни курган уйлари мактансин. У оламдан куз юйиб кетса ҳам, хурмати, номи яшайверади.

Тўхтасин МИРЗАРАҲМАТОВ.

Оила

ШОЯДКИ ТАҚДИРИ ОЧИЛСА...

Ҳаёт биз ўйлаганчандан осон эмас экан, турмушга йўлдошингни топиш қийин экан. Мен оилада энг кичик фарзандиман. Ташқартада олийгоҳларнинг бирида ўқийман. Ҳали турмуш қурмаган ва яхши йигитни учратмаган 29 ёшли опамга жуда ёрдам бергим келади, лекин қайси йул билан билмайман. Опам Тошкент вилоятидан келиб олийгоҳда ўқиб, сўнг ишлаб шаҳарда қолиб кетган. Рус мактабини битирганига қарамай, жуда содда, пардосин кам қилди. Шаҳарга келиб ҳеч ҳам узгармаган. Ҳаттоки сочи кесмаган, энги йўқ қўйлақ, шим, калта кийим киймайди, ҳамма ҳайрон қолади—чунки шаҳар ҳеч ҳам опамни узгартирмади.

Узи ойдеккина бўлишига қарамай, нимага бахти очилмайди? — деб роса сикилашим. Турмушга чиқадиган вақтда турмушга чиқшини уйламаган, йигитлар билан учрашмаган, гаплашмаган. Жуда ҳам камгап ва жиддий. Иш ва уйни билади холос. Уртада сабабчи одам турмаса кучада узидан-узи танишиб кетиши қийин.

Ота-онамиз уни уйлаб жуда сикилишди, ҳаммамиз унга ёрдам бергимиз келади, лекин қиёболани иши қийин экан. Ота-она ўз кизини бировага тавсия қила олмас экан. Оллоҳдан фақат бахти очилиб, яхши одамни учратиб мустаҳкам оила қуришини сўраймиз. Вақт эса жуда тез ўтиб борапти.

Агар бу гапим кимнидир қизиқтирса «Оила ва жамият»-га мурожаат қилсинлар. Умид ва ишонч билан кутиб қолувчи

Д.

«ДИЛОРОМ» ЎҚУВ МАРКАЗИ ТАКЛИФ

ЭТАДИ:

2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

1. Зардушлик — Бухороча.
2. Аёллар ва эркаклар уст-киийимларини тикиш ва бичиш, моделлаштириш.
3. Машинада, қўлда гул тикиши.
4. Компьютер бил-нимлари.
5. Бухгалтерия ҳисоби.
6. Аёллар енгил кийимларини тикиш ва бичиш, моделлаштириш.

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

1. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
2. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.

МАНЗИЛ: Муртазоев кўчаси, 40-уй, 3-қават, 63-хона.

Мўлжал: «Қозғистон» кинотеатри.
Тел: 35-13-41, 58-48-50, 144-61-81.

СЕН ДОИМО ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ!

БУ ЙЎЛЛАР, КЎП ҚАДИМ ЙЎЛЛАРДИР...

Хотира ва Қадрлаш куни — муқаддас байрами ҳақида ўйларканман, Президентимизнинг: «Ўзбек жангчиси юртидан гоятда узоқда бўлган қай бир шаҳар, қишлоқ ёки қай бир номсиз тепалик учун эмас, серкӯёш, серсаховат Ватанини, нон ҳиди уфуриб турган хонадони, онаси, ёри, опа-сингилларини кўз олдига келтириб жанг қилган, жон олиб жон берган», — деган сўзларини эслайман. Ўзбекистоннинг бирон хонадони йўқки, шу муқаддас кунда жангларда шаҳид бўлган, номаълум кетган жигарларини эсламасин, қайгурмасин... Уруш деганларининг асли мазмун-моҳияти шундай — кўп-ларнинг ёстигини қурилади, кўп-ларнинг кўз ёшини тўқдиради. Унинг касофати кунгилларинигина вайрон қилиб қолмайди, тақдирларда ўзининг совуқ муҳрини босади... Ота-боболаримиз қақшатқич жангларда сабот-матонат билан қахрамонлик кўрсатган бўлсалар, моомоларимиз, онахонларимиз меҳнатнинг машаққату заҳматларини чекишган, жигарларини садоқат билан қуттишган...

Ўзбекистонда ҳеч бир хонадон йўқки, уруш даҳшати-вахшатини чекмаган бўлсин, тақдирда урушнинг совуқ муҳрини ҳис этмаган бўлсин, дедим юқорида...

Уруш бошланмасидан анча йил-

лар илгари «Халқ душмани» деган тамга билан узоқ Сибирга қатагон қилинган бобом — Бахриддинхўжа Жалолхўжаев тақдирини эсладим. Ушанда 37 ёшда эканлар... Халққа маърифат тарқатишни дунёдаги энг муқаддас касб-кор деб билган эканлар. Шуролар тузуми халққа бахт-саодат келтиради, деб қаттиқ ишонган эканлар. Қамоққа олиб кетилаётганда ҳам «Бу — бир оддий англашилмовчилик. Менинг партиям буни шундай қўймайди. Мени албатта оқлайди», — деб қаттиқ ишонч билан, бошларини баланд кўтариб чиқиб кетган эканлар... Шундан сўнг узоқ Сибирдан Самарқандга хатлар келган...

— Бу ёқлардан эсон-омон она шахримга қайтсам тупроғини кўзларимга тавоб қилиб ўпаман...

— Бу жойларнинг совуғи суяк-суякларимгача музлатаёпти. Оёқларим панжаларини совуқ урди. Эҳ, юртимнинг иссиқ ҳаволарини қанчалар соғиндим...

— Юртга қайтсам, болаларимнинг босган изларини тиз чуқиб ўпаман...

— Эҳ, мен бир бевафога (партия демоқчи) кўнгил қўйиб адашган эканман. Ҳаммаси бекор экан. Афсус, буни кеч тушундим...

Беш фарзандни ёлғиз узи боқиб тарбиялаган бувим эслардилар: «Бобонгдан уруш бошланган давр-

гача хат олдик. Кейин хат ҳам келмай кўйди, дом-дараксиз йўқолди»... Аям эслардилар: «Мен ақлимни танигач, қуллаб катта-кичик идоралардан бедарак йўқолган отамни тинмай суроқладим. 1960 йили ниҳоят хат олдим: «Отангиз уруш бошланган йили биринчилардан бўлиб кунгиллилар қаторида фронтга кетди ва жанг майдонида ҳалок бўлди. У аслида беғуноҳ деб тан олинганди»... Шу гапларни айтarkan, раҳматли аягинам юм-юм йиғлардилар...

Ғафур Фуломнинг мактабда ёд олганимиз:

Тақдирин кўл билан яратур инсон
Ғойибдан келажак бахт бир афсона,
деган мисраларини бот-бот диллимада тақдорларканман, аямнинг, холаларим, тоғамнинг тақдирлари ҳақида ўйлардим. Аямга савол берардим:

— Ҳаммаларингизнинг тақдирларингиз чигал, мураккаб, ая, нега шундай?

— Эҳ, дадагинам «халқ душмани» бўлиб қамалиб кетмаганида, «Халқ душмани»нинг қизи деган маломат тошлари бу шурлик бошимга ёғилмаганида, уруш бошланган энг сара йигитларимиз-тенгдошларимиз жангга кетиб шаҳид бўлмаганида, тақдиримиз бунчалар чаппа-раста бўлиб кетмасди, албатта, — дердилар аям ўйга толиб...

Кунларнинг бирида бобомнинг,

бувимнинг, аям холаларимнинг чигал тақдирлари менинг тақдиримда ҳам акс-садо берганди...

Қаранг, бу биргина мен билан — менинг жигарларим, менинг ҳаётим дарахтига урилган зарбалар...

Пешонасига бундай қайгули қўруқликлар ёзилмаган оилалар Ўзбекистонимизда жуда камчиликни ташкил этса керак. Ким билди — балки, йўқдир ҳам...

Мустақиллик майдонидаги сокинлик, улугворликка ғарқ Хотира мажмуини бошимни қўйиб эгиб, қалбим пора-пора бўлиб, кўз ёшларини зурга тўхтатиб зиёрат қиламан. Ганчор пештоқлар, миллий нақшлар жилоси руҳимда кўтаринки кайфият уйғотади. Ғам-гусса, изтироб урнини фахр-ифтихор туйғуси эгаллайди. Юртбошимизнинг «энг муҳими, бу майдон халқимизни тарихий Хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қилади», — деган сўзларини эслайману, қўлимни дуога очаман: «Илоим, бу дунёдан утган юртдошларимизнинг охирашлари обод бўлсин. Уларнинг руҳи поклари юксалиш йўлидан одимлаётган соф ниятли ватандошларимизни, элсевар йулбошчимизни бало-қазолардан, ёмон кўзлардан асрасин...»

САИДА

АРМОН

Отажон, агар ҳаёт бўлганингизда бугун ролпа-роса 75 ёшга тўлган булардингиз. Мана орадан етти йил, етти баҳор утди, лекин энди сиз йўқсиз... Ҳар йили 9 Майда дусларингиздан табриклар, учрашув қоғозлари келганда дунёда Сиздан бахтиёр инсон йўқ эди, назаримда. Айниқса командирингиздан мактуб келг анда уни қайта-қайта ўқирдингиз, кўз ёшларингиз шашқатор қуйиларди. Бу қувонч ёшларимиди ва ёки изтиробу армон ёшларимиди, сурамаган эканмиз, азиз отажоним.

Сафдош дуслар билан тушган суратларни еру кўкка ишонмасдингиз, уларни асраб-авайлаб кўзингизга суртардингиз. Менинг матбўтда эълон қилинган шеър ва мақолаларимни ҳар гал эринмасдан ўқиб баҳо-лардингиз. «Ниятингга еттин болам» деб пешонамдан ўқиб кўярдингиз. Мана ниятимга ҳам етдим. Аммо ҳаёт экансиз, бирор марта Сиз билан ёнма-ён суратга туша олмаганим, уруш хотираларингизни эса шундоққина қоғозга тушириб, узингизга ўқитиб олганим мен учун абадий армон. Ҳар гал ўйга борсам, пешвоз чиқиб, «йўлда толиққансан, дамнингни ол болам», дея аярдингиз. Энди-чи? Пешонамни силанга уша меҳрибон кўларингизни кўмсаиман, отажон. Яхшиямки сайини эслатувчи суратингиз бор, қуриб биров таскин топаман. Отажон, Сизга атаб жуда-жуда кўп шеърлар битдим, хотирлар ёздим, уни албатта кеч бўлса-да, ёднома сифатида китобга туширайман.

Ота-она тиркилиги — фарзанд учун энг буюк бахт экан. Буни сира унутмайлик, эй дуслар!

ТИЛОВАТ СОАТОВА

ЯХШИНИҒ НОМИ ЎЧМАС

Урушда қон кечиби, бир кўзиндан ажраб қайтган, кейинги умрини фақат эзгу-савоб ишларга бахшида этган Бердиқул ота Нодировни Буйрачи қишлоғининг ҳар ёшу қариси ахтиром билан хўтирлайди. Бу инсоннинг ҳуб яхши фазилатлари бор эди. Эрта тонгданқоқ саман отини йўрттириб, қишлоқни бир айланмиб чиқар, йўлида учраган болакайлارга хуржунининг қуздан ширинликлар олиб узатарди. Сўнг, «Илов, умринг завол топмасин!», деб дуо қиларди. Давраларнинг тўрида утирганида эса фотиҳага кўл очиб, «Аллоҳ ҳар кишига бола-чақасининг роҳатини кўрмоқликни насиб этсин!», дерди. Унинг ўзи ҳам шу ниятга эришди. Унта фарзандни тарбиялаб, ўқитди, уйли-жойли қилди. «Яхши-ёмон кунларда элнинг қабатида бўл», деган уғитни ҳар бирига қайта-қайта ўқитди.

Авли Анорхон ая ҳам ажойиб фелли эди. Ҳамма вақт чаккасига райхон тақиб юрадиган бу сергайрат аёл туо маъракаларда елиб-югуриб хизмат қилар, каттаю-кичикни «айланай» деб алқарди. Шу аянинг кўп тақдорлуғи бир хикмати бор эди. «Халол меҳнатда, ҳалол ризқиниғ хосияти бошқача булади», — дерди.

Баъзида ёшлар Бердиқул отани мактаб йигинларига чорлаб, «Бизга уруш ҳақида гапириб беринг», дейишарди. «Урушнинг номи ўнсин, — дерди шунда у киши. — Биз ўёқларда қон кечиби майиб-мажруҳ бўлидик, кетганларнинг кўчилиғи қайтмади. Энди бу юртда уруш сузи зинҳор айтилмасин, ёмон кунларни кўрмасдан улгайинглар».

Ота асл деҳқон эди, тупроқни ҳидлаб қуриб ериниғ тилини тушунарди. Чорва илмини гоёт пухта биларди. Ҳеч нимадан маслаҳатини, маддадини ая-

масди. Туғри яшашнинг мазмунини ҳалолликда деб билган бу инсонни эслаسام, менинг кўзларимдан ёш қуйилади. Бунинг сабаби бор... Отамдан етим қолиб, кўнгил синиқ бўлиб юрган кезларимда у киши менга тоғалик қилди, ўқситмади. «Тоға етти отанинғ урнини босади», деган гапнинг ростлиғини исботлади. Эсимда, бир кун у киши менга яп-янги ялтироқ туфлича олиб келди. Ушанда Икромой энам «Бердиқул, қишиниғ қаҳратонида нега ёзлик туфлини қутариб юрибсан?», деди. У киши шундай жавоб қилди. — Ёз кунлари серюмуш. Мен да ла ишига берилиб кетиб, бу қизалоқни эсдан чиқариб қўйсам, у «агар отам бўлганида аллақачон менга туфли оверарди», деб ўқсинмасин дедим-да...

Ана шундайин ажойиб инсон эдилар Бердиқул ота. У киши нафақат менга, балки қу-

ни-қўшни, етим қизларга ҳам мурувват кўрсатиб, кўнглини оларди. Гарчи, чолу кампирлар иккалови оддийгина турмуш кеңиришган бўлишса-да, уларнинг оиласи, феълуб авори, хатти-ҳаракати бутун қишлоқликларга урناк эди. «Яхши инсонлар бу дунёни безаб тўради», дейилган экан Ҳадисларда ҳам. Айни вақтда бу икки инсоннинг ўғитларига қўлоқ тутиб, уларнинг изидан борайтган ун чоғли ўғил қизлари ўз оилаларида тинч-тотув яшашиб, жамият юқини елкалаб мазмуни умр кеңирмоқдалар.

Бу куннинг ёруғ тонларида тиловат қилиб, Бердиқул ота ва Анорхон момонинг руҳлари шод бўлишини, номлари диллардан асло ўчмаслиғини Аллоҳдан сурайман. Ахир ҳазрат Навоий ҳам айтганлар:

— Ажаб саодат эрур яхшилик бирла қолса от...

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА,
Челақ тумани

ВАТАН УНУТМАЙДИ АЖДОДЛАРИНИ

Президентимиз 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилдилар. Бу хабарни юз ёшга қирган бобом алоҳида қувонч билан кутиб олдилар. Кўзларида севинч ёшлари ялтираб оқди. Оёғидан уқ еган бобом. Билагини уқ тешиб утган бобом. Бир бармоғи йўқ бобом. Бирор гапни ун марта айтсанг зурга эшитадиган, чевараларини — «Сен қайсиниғ боласи эдинг», деб сураб билиб оладиган бобом. Орден, медалларини ҳаммасини тақшишга ҳали ҳам тортинмайдиган бобом. У тирик хотира. Уруш ҳақида гапир-

са фронтдош журналарини афсонавий қахрамонлардек тасвирлайди: «Шоди бобангни — Тараша полвон дер эдик. Жангга икки немисини асирга олиб, икки елкасида қутариб келса: «Нега қутариб юрибсан занғарларни, олдинга солиб келавермайсанми?» — дедик. У бўлса: «Ҳа, тилимни тушулмаганидан кейин икки шапала қуриб олиб келавердим-да» — дейди. Шоди бувангни байрами-да — 9 май... Минг-ла Шодиларни байрами-да...

Хурсанд моманг эчкиларини жунидан пайпоқ тўқиб «Фронтга Абдураимга», — деб жунатиб юборибди. Пучтачи бола ҳам бирорта оёғи совқатган кийиб юрар, деб жунатиб қўя қолган-да.

Урушга кетган ун олти ёшли укаси қайтиб келмагач, йўлига саргайиб утиб кетган момангни хотирланган, болам. Улардан нима қолди? Хотира қолди. Шундай жаннат юрт қолди!!!

Бобомнинг сертомир бир бармоғи йўқ қўлини сийлайман. Ассалом Хотира ва Қадрлаш куни. Хотира хиб-бондидаги гул чечаклар кўзларга янада чиройли курилади. Ҳар бир гулнинг тилида Ватан учун жон фидо қилган бир азиз инсоннинг номи бордек. Ҳар бир чечак ўтганлар ёдини хотирлаётгандек, баҳор шабадасида оҳиста тебранади...

ЗУЛФИЯ

СЕН ҲАҚИНГДА ЁЗАЯПМАНУ...

СИНГЛИМГА
МАКТУБ

Мухбирлик ҳаётимда жуда кўп ажойиб одамлар ҳақида ёздим. Сингилжоним, сен ҳам ушалардай, мақтаса мақтагудек яхши инсонсан.

...Бошқалар ҳақида ёзишга чоғланганимда ёнимда ён дафтарчам бўларди. Қаҳрамоним билан уч-турт кунлаб, гоҳида ҳафталаб суҳбатлашган, кузатувларим битилган дафтарча жонимга оро кирарди. Сен ҳақингда ёзаяпману оппоқ қоғоз ва қаламдан бўлак ёрдамчим йўқ. Лекин қалбимда мудраб ётган хотиралар, эс-далиқлар, таассуротлар камалакдай жилоланиб, жонланиб кетди. Қай бирининг этагидан ушлашни билмай қолдим. Сен ҳақингда айтадиган гапим кўп. Ахир, олтмиш йиллик умр, олтмиш йиллик дийдорга бир назар ташламоқчиман... Раънохон — синглим!

Оилада иккитагина фарзанд бўлганимиз учунми, бир-биримизга опа-сингилгина эмас, Фотима-Зухрадай бир тану бир жон бўлиб кетган эдик. Онамиз уй ишлари билан банд пайтларида отамиз бизга эрталар айтиб бериб, олиб утирадилар...

Ҳозир уйласам отам кўпинча эрталарни узлари тукиб айтар эканлар. «Кўркмасой билан Эпчилой»ни эслайсанми?! Ахир, бу эртани ҳеч қаярда ўқимадим. Иккаламизни эртак қаҳрамонларига айлантдириб, туқийберар эдилар, туқийберар эдилар, биз эса отамизнинг пинжига кириб гоҳ қулиб, гоҳ ваҳимага тушиб биримиз Кўркмасой, биримиз Эпчилой бўлиб эртак эшитардик.

Оила-оила экан. Энг тоғу оилада ҳам баъзан кутилмаган ҳодисалар бўлиб туради. Отамиз билан онамиз орасидан қора мушук ўтиб қолди шекилли, отамиз уч-турт кун уйга келмай оғанилариникида ётиб юрдилар. Лекин ҳар кун отамни мактаб олдида учратардик. Бизни бир кун кўркмасалар кўзларига дунё қоронғу бўлиб кетишини бағриларига қучиб, юз-кўзларимиздан ўлиб

ҳаяжон билан гапиришларидан сезиб турардик. Енлариди тешиққулчамми, қайнатилган жухоримийи, ишқилиб, қоғозга ўралган бир нима бўларди. Эшигимиз олдиғача кузатиб келардилар-да, орқаларига қайтиб кетардилар. Бир куни орқаларига хомуш ўтирилдилар. Биз бўлсак упкамиз тулиб отамга қараб турардик. Орқаларига қайтдилар. Бизни икки қанотларига олиб ичкари кирдилар...

Онамизчи, онамиз! Уларнинг ҳаётдан ўтганларига чорак асрдан ошди. Бу жонсарак, меҳрибон қалб сиймоси бир дақиқа ҳам биздан йироқ кетганлари йўқ. Эсингда бўлса, отамиз билан онамиз халқ маорифи йўлланмаси билан Охангаронда ўқитувчи бўлиб ишлаб юришган кезлар дадамлар иш билан Тошкентга кетган эдилар. Бир кеча сиз қаттиқ иситмалаб чикдинг. Уч кунгача онамизни қилмаган муолажаси қолмади. Қани унқайга келсанг... Иссинг тушмас, алаҳсирардинг. Маҳаллий шифокор марказий шифохонага олиб боришни тавсия этди. Онам катта жун румолларига сени йўрақлағандек ураб олдилар-да, даст кўтариб колхоз идорасига ошиқдилар. Мен ҳам онамни кузатиб борардим. Йулда қоқилиб, бир мунқайиб кетдилар. Ҳайрият, йиқилмадилар, узларини дарров ўнглаб олдилар. Раис қаёққадир шошиб турган экан. Колхоз идораси олдида уймалашиб турган қоровулни чақириб:

— Отга мин-да, зудлик билан болани марказий шифохонага етказ, — деди. Шунда онамиз отлик кетидан югуриб кетаётганлари ҳали хануз кўз ўнгимда қолган. Қоровул қишлоққа қайтиб келганда дадам ҳам Тошкентдан энди келиб тур-

ган эканлар.

— Ажойиб аёлнинг бор экан, — деди у дадамга қараб. — Қишлоқдан район марказигача бўлган саккиз километрли масофага отнинг кетидан қолмай етиб бордия... Духтир бироз хаяллаганингизда боладан ажралардингиз, деб бизни қурқитиб юборди. Узингизни босинг, ога, қизингизнинг иссиғи тушди, қузини оч-

ғришмасин. «Их» дейишса чопиб келардинг. Улар билан баробар хасталаниб, баробар тузалардинг. Жияларинг ёзги ва қишки таътил кунлари сенига ошиқларшарди. Энди бўлса болаларнинг болаларига бағринг беланчак...

Сен икки фарзанд эмас, меникиларни қўшганда беш болам бор, дейишга ҳақлисан. Уларнинг унб-ўсиши, оёққа туриши, оила қуришида хизматларинг катта. Ҳа, уларда ҳақинг кўп. Ҳадиси ша-рифларда хола-она ўрнидадир, дейилади.

Кечагина эди. Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти юқумли касалликлар кафедрасига оддий ўқитувчи бўлиб келганимизда...

Тезда тиббиёт фанлари номзоди бўлдинг, доцентлик дипломинин олдинг. Қирқка яқин илмий ишлар, бир қатор услубий қўлланмалар эдинг. Академик Исоқ Мусабоев тахрири остидаги турт жилдли «Юқумли касалликлар» китобининг муаллифларидан бирисан. Юқумли касалликлар клиника базасидаги хомилатор аёлларда вирусли гепатит ва ўткир ичак касалликлари бўлимида қарийб йигирма йил маслаҳатчи бўлиб ишладинг. Қанча ота-болаларни улим чангалидан қўтқариб қолдинг.

Эсингдами, номзодлик диссертациянгни ҳимоя қилганингда олти ойгина бўлганди. Ушанда маошинг кўпайиб, маошингдан орттириб онамизга тилла зирак учун пул йига бошладинг. Лекин онамиз тусатдан оламдан ўтдилар. Орузинг армонга айланди. Ота-она кўнглини олишни бир соғина ҳам кечқирманг, бунга шўшинг, шошилинг, биродарлар, дея аччиқ-аччиқ йиғладинг. Ҳамон армон билан яшайсан.

Ўғини сўрасанг, сен ота-онанг учун соғва-саломлардан ҳам юксакроқ яхшиликлар қилиб улгурган эдинг. Мен никоҳ узугини тақиб келганимда ота-онамиз никоҳ дафтарчасини очиб қуриб, фамилиям узгарганидан бир хил бўлиб кетганларини эслайсанми?! Отам менга бир нима демасди. Чунки бунинг табиий бир ҳол эканини яхши тушуниб турардилар. Лекин отам катта қизлари бўлганим учунми, мени фамилиялари давомчиси бўлишимни хоҳлаганлари сезилган эди.

Орадан икки йил ўтиб, сен ҳам никоҳ узугини тақиб келдинг. Фамилиянгни узгартирмабсан. Менинг хатоимни тузатган эдинг. Отам касбининг давомчиси булатуриб, мен уйламаган ишни сен уйлаган эдинг. Сен отамиз учун уғиллик қилдинг. Сени Назарова деб қақришса бир энтикиб қуяман.

Яхши инсонларга насиб этадиган бахту саодат бизнинг бошимизга ҳам кўнди. Севдик, Севилдик, она бўлди. Мана энди бир этак неваралари сиз билан пиру бадавлат утирибмиз. Ота-онамизнинг руҳи покларини шод этиб юрибмиз... Бу яхшилик эмасми?!

Ота-онадан беҳисоб молу дунё қолганда ҳам чорак аср мобайнида тугаб кетарди. Бизга мусичадай безор отамиздан илму маърифатга, инсофу диёнатга садоқат, жонсарак онамиздан одамларга меҳру шарафат, ҳаётга муҳаббат мерос бўлиб қолди. Энг муҳими — ота-онамиздан сен менга мен сенга энг катта бойлик бўлиб қолди. Яна қайтараман, сен менинг пешонамга битган якяку ёлғиз жигарбандимсан. Ҳар қандамда ота-онамни эслатувчи бебаҳо гаваҳаримсан.

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист



Урушнинг энг оғир дамлари эди. Қул ўчида кун кўрамаиз. Чин арафа кунни хайитга янги қуйлак тикиб бермадингиз, деб онамга хархаша қилдинг. Эрталаб турсак, иккита қўш этакли кизил атлас қуйлак дазмоллаб олиб қуйлибди. Онамиз эса тикув машинасига бош қуйганча ухлаб қолибдилар. Икковимиз қуйлакларимизни кийиб, ҳовлида гир-гир айланамиз. Биздан бахтиёр одам йўқ. Тезроқ кўчага чиқа қолсаг урўқларимизга мақтансак... Шунда йулакдаги нарвонда янги сўкизил қурпа пахтаси аврасига ураб қуйилганини қуриб қолдим.

Отамизнинг бирор марта угли йўқлигиндан армон қилиб гапирганларини эшитганимсан?! Биздан орзумидлари катта эди. Углим Бехўздорж оғир операция бўлиб шифохонада икки ойча ётди. Олдида бир кун мен бўлсам, иккинчи кун сиз навбатчилик қилардинг. Шунда шифокорлар беморнинг онаси сизми ёки Раънохонми, деб сўрашгани эсимда. Жияларинг

нинг Тезда тиббиёт фанлари номзоди бўлдинг, доцентлик дипломинин олдинг. Қирқка яқин илмий ишлар, бир қатор услубий қўлланмалар эдинг. Академик Исоқ Мусабоев тахрири остидаги турт жилдли «Юқумли касалликлар» китобининг муаллифларидан бирисан. Юқумли касалликлар клиника базасидаги хомилатор аёлларда вирусли гепатит ва ўткир ичак касалликлари бўлимида қарийб йигирма йил маслаҳатчи бўлиб ишладинг. Қанча ота-болаларни улим чангалидан қўтқариб қолдинг.

Эсингдами, номзодлик диссертациянгни ҳимоя қилганингда олти ойгина бўлганди. Ушанда маошинг кўпайиб, маошингдан орттириб онамизга тилла зирак учун пул йига бошладинг. Лекин онамиз тусатдан оламдан ўтдилар. Орузинг армонга айланди. Ота-она кўнглини олишни бир соғина ҳам кечқирманг, бунга шўшинг, шошилинг, биродарлар, дея аччиқ-аччиқ йиғладинг. Ҳамон армон билан яшайсан.

ХОНАДОНИМИЗ ҚЎРҒОНИ ЭДИЛАР

Ушбу улуг айём кунларида ҳар бир инсоннинг бурчи орамиздан кетган яхши инсонларни эслаш, хотирлаш, ёдга олишдир.

Утган йили баҳорда онамиз оғир жудоликка учради. Биз учун қадрдон, меҳрибон, уйимизнинг қўргони бўлган, энг суоқли яқин кишимиз — дадажонимиздан айрилдик. Бу 26 март кун эди. Мана орадан бир йилча вақт ўтган бўлса-да, даярли ҳар кун уларни ёдлаб, уринларидан излаб, тансиқ ул-буларни илиниб, кўчалардан соғиниб, хоналарига юриб кириб буш жойларидан тополмай оқ урганларимизни айтмасам ҳам бўлади.


Севимли дадажоним Эгамберди ота Исаевдир. 1926 йилда Тошкентда оддий бир оилада 8 фарзанднинг учинчиси бўлиб дунёга келди. Жуда ёшлиқларида оталари дунёдан қуз юмган. Бу муси-

бат оилага жуда катта таъсир кўрсатди. Бу ҳам етмагандек 15 ёшга қираб-қирмас иккинчи жаҳон уруши бошланди. Икки ака қўп қатори урушга кетди. Катта бир оилани боқиб ва бошқариш ёш Эгамбердининг гарданига тушди. У «абразив» заводида ишга кирди. Заводда ишлаш қанчалик оғир бўлмасин, бу қийинчиликларни енгишда у ўзида куч топа билди. У тез кунларда ўзининг меҳнатсеварлиги, одоби билан корхонадан излаб, тансиқ ул-буларни иланиб, кўчалардан соғиниб, хоналарига юриб кириб буш жойларидан тополмай оқ урганларимизни айтмасам ҳам бўлади.

Севимли дадажоним Эгамберди ота Исаевдир. 1926 йилда Тошкентда оддий бир оилада 8 фарзанднинг учинчиси бўлиб дунёга келди. Жуда ёшлиқларида оталари дунёдан қуз юмган. Бу муси-

нинг акалик ва оталик бурчини ҳеч оғринмай тула-тукис адо этди.

Эгамберди ака ўз фарзандларига меҳрибон ва талабчан ота эдилар. Бирдан бир орзулари уларни ўқи-



таб оилага жуда катта таъсир кўрсатди. Бу ҳам етмагандек 15 ёшга қираб-қирмас иккинчи жаҳон уруши бошланди. Икки ака қўп қатори урушга кетди. Катта бир оилани боқиб ва бошқариш ёш Эгамбердининг гарданига тушди. У «абразив» заводида ишга кирди. Заводда ишлаш қанчалик оғир бўлмасин, бу қийинчиликларни енгишда у ўзида куч топа билди. У тез кунларда ўзининг меҳнатсеварлиги, одоби билан корхонадан излаб, тансиқ ул-буларни иланиб, кўчалардан соғиниб, хоналарига юриб кириб буш жойларидан тополмай оқ урганларимизни айтмасам ҳам бўлади.

Севимли дадажоним Эгамберди ота Исаевдир. 1926 йилда Тошкентда оддий бир оилада 8 фарзанднинг учинчиси бўлиб дунёга келди. Жуда ёшлиқларида оталари дунёдан қуз юмган. Бу муси-

саларда) бизга маслаҳатқўй, меҳрибон, талабчан, доимо ёрдамга тайёр дўст эдилар. Дадамлар энг доно, ақлли уй бекаларидан ҳам мазмунлироқ, чиройлироқ маслаҳатлар берадилар.

Ука ва сингиллари, қариндош-уруғлар, қуни-қушни, маҳалладагилар дадамларни жуда қаттиқ ҳурмат қилишларини мана энди тушуниб етапман.

Жуда камгап, узоқни қўзлаб иш қилардилар, уз ҳақти-ҳаракатлари, одоблари билан бизларга қандай яшаш кераклигини ургатардилар.

Ҳаёт эса давом этмоқда. Эсимда, бир куни кичкина синглим қаттиқ оғриб қолди. Дадамлар кечаси билан мижжа қоқмадилар. Эрталаб у ётган хонага кириб келганларида синглим: «Мен яхшиман дадажон», деса силқиниб, силқиниб йиғлаб юборганлар. Талаба бўлган куним ҳам қувонганларидан яна кўзларига ёш. Онам:

«Мана дадажониси боқиб, бешик тебратибу шу қизим врач бўлса жуда бўлмаса дориларимни уз қули билан, меҳри билан берадир, деб астойдил ният қилган экансиз, қизингиз ўқишга кирибди», — деганларида кўзларидан дув-ёш тўкилгани ҳамон қуз олдимда.

Ниятлари Аллоҳга етдию, лекин қуллимдан берадиган ёрдамим жуда-жуда кам бўлди.

Инсон ният қилаверар, яхши кунлар илинжида яшайверар экану, қодир эгам бюоргани булаверар экан. Биз фарзандлар эса улар учун бир қалима Қуръон ўқиб, Аллоҳдан уларни жойлари жаннатда бўлиб, охиратлари обод бўлсин, дея ният қиламиз.

Баҳорий тонг, Хотра ва Қадрлаш байрами ҳамма-мизга боқий умр, бағри бутунлик, тириқлар қадрига етиб, улганларни ёд айланина насиб этсин.

Наиша ИСАЕВА,
Тошкент педиатрия
институтининг 2-курс
талабаси



(Боши ўтган сонларда)

ОИЛАМ БУЗИЛИШINI ИСТАМАГАНДИМ...

Шундай дея, у бошимга стул билан қаттиқ урди. Мен чинқириб йиғлаб юбордим. Менинг нима айбим бор? «Нега мени бунча хурлайсизлар? Тўйдан кейин ажралишга судга кетаётганимда нега ўхшатдингиз, нега ваъда-бердингиз, энди болам билан қаёққа ҳам бораман. Майли, устимга обкелиб яшайверинг, розиман», — дедим. Зоҳид ака эса: «Бу уйдан кетсанг, катта никоҳ тўйи қилиб уйланиб яшайман, сен жодугар, хотинимга захар бериб улдириб қўясан», — деб ҳақоратлади мени.

Уша куни тонггача мени калтаклади, ҳақоратлади. Қизчам эса нима бўлаётганига тушунмай чириллаб йиғларди. Унинг боласи билан ҳам иши йўқ эди. Кунгли, бутун хаёли жазманда эди. Уша куни Зоҳид ака ишдан барвақт қайтди. Мен кундузи келиб уй юмушларини қилдим ва яна ишга кетдим. Ишдан қайтиб ошхонадаги идишларни ювдим, кир ювдим. Шу пайт эримнинг акаси ширакайф ҳолатда келди-да, менга ўқрайиб қараб тураверди. Мен ҳам «энди сиз нега ўқрайсиз, сизга нима ёмонлик қилдим», — дедим. Акаси эса менга пива, чойнакни олди, идишлар чил-чил бўлиб синди. Шунда қайнонам: «Ҳой Зоҳид, бу хотининг бўлмайдми, ҳозирок талок қил, йўқот буни», — деб мени сочиқ билан урди.

Она-бола кечкурун мени ота-онам олдига олиб боришди. Қайнонам гап бошлади: «Қизингиз мана 2 йилдан ошдик, бизнинг хонадонимизда яшаряпти, тарбия қилолмаяпмиз. Ҳеч кимни менсимайди. Ҳар куни уйдан чиқиб кетади, қаёққа кетаётганини айтмайди, ярим кечаси сумкасини тўлдириб аллақачонлардан келади. Яхши аёл ярим кечаси кўчада юрадимми? Кейин Зоҳид ака гап бошлади: «Уйга дўстларим келса, дастурхон ёзмайди, айтганларини қилмайди, мени менсимайди, чой дамлаб, киримни ювмайди. Ҳамма аёли менга уйнаш қилиб кўрсатади, узига ўхшатиб

қизингиз ор-номуссиз, беҳаё, ёлгончи аёл. Мен қизингиз билан ортиқ яшолмайман»...

Ота-онам бу гапларга ишонишди, мени койишди.

Зоҳиднинг онаси: «Уғлим тилла йигит, бошқага уйланади, онаси улмаган қизни олиб бераман. Қизингизни олиб қолинглар, бизга керакмас бундай келин!», дея ташлаб кетишди. Мени гапиртиргани қўйишмади, ота-онам мени эшитишни ҳам истамади, аксинча шапалоқ уришди. «Сенга ишонмаймиз, ушаларга ишонамиз, гапирма», — деб менга дуқ-пўписа қилишди.

Уша куни тунда ота-онам мени уйдан ҳайдаб чиқаришди. Яна қайнонамнинг уйига бордим. Зоҳид мени куриб, ҳайдади, дарвозани қулфлаб қўйди. Мен қўшнилardan ёрдам сурадим, улар мени уйга киргизиб қўйишди. Қизимни кўтариб энди остонага қадам қўювдим ҳамки, қайнонамнинг: — «Беибо, нега келдинг, бугундан ўғлимга талоқсан. Зоҳид, чиқ ёнимга, яна бир болани илдириб олмасин», — деди. Зоҳид курпасини кўтариб, ич кийимда онасининг хонасига чиқиб ётди. Мен эса қизимни кўчиб тонггача йиғлаб чикдим. Асаббузарликлар яна давом этди. Эрта-лаб Зоҳид ишга кетаётган, «келгунимча уйдан кетгин, уйланишим керак», — деди. Мен йиғлаб қайнонамнинг хонасига кирдим. Энди болам билан ота-онам уйга сўғмаслигимни, боламни тирик етим қилмасликларини, устимга уйланишига рози эканлигимни айтдим. Қайнонам бемехрларча: — «Эркак киши кимни суйса уша билан яшайди, 5-6 бола билан ажрашиб эрсиз яшаётган аёллар қанча, уз тенгингни топарсан. Битта болангни элполмайсанми, судга бор, ажраш, ўғлим сен билан яшамайди, уйланади», — деди.

Мен маҳалла қўмитасига ва қўшниларибизга шикоят

қилдим. Улар қайнонам ва Зоҳидни чақиртиришди. Кейин уйда жанжал устига жанжал бўлди. Зоҳид «устимиздан шикоят қилибсан, ҳозир йўқол, кет, яшайман сен билан, уйланаман», — деб бир сузда туриб олди. Улар ота-онамга бориб мени яна ёмонлашди. Дадам эса келиб мени олиб



кетмаслигини, шу уйда яшаб қолишимни айтди. Энди мени баттар хурлай бошлашди. Қайнонам барча уғил, келинлари ва қариндошларига устимдан тўхмату бўҳтонлар уюштириб, хурлатди. Энди жанжалга овсинларим, қайногаларим ва қайним, қариндошлари қўшилди. Улар ҳаммаси бир овоздан мендан уйдан кетишимни талаб қилишарди. Мен ишга бориб ишлаб келавердим, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, индамай юравердим. Қайнонам эса ишдан келгунимча уйимдан нарсаларимни угирлаб қўйди, эски чит кўйлақда қолдим. Энди мен худди квартирантдай ийманиб, тортиниб уйга қирадиган бўлдим. Ҳаттоки, газхона ва ошхоналарни ҳам қулфлаб қўйишди. Мен чойқайнатгич ва плита топиб келиб, чой қайнатардим, улар эса менга токка тегмаслигимни

айтишди. Мен қўрқанимдан токка тегмайдиган бўлдим. Қизим ва узим чой урнига сув ичадиган бўлдик, овқат урнига ҳул мева, нон ейдиган бўлдик. Қизим эса касал бўлиб қолди, ичи кетиб қайт қила бошлади. Эрим ишдан жуда кеч келар, менга ва қизимга мутлақо қарамасди. Бир куни қариндошимникига тўйга бордим. Қайнонам ва эрим узлари мени юборишди. Мени тўйга жўнатишиб она-бола ота-онамга мени яна ёмонлашибди. Тўйдан келганимда отам мени койидилар: «Сен нега қайнонангдан, эрингдан сурамай, индамай чиқиб кетдинг», — дедилар. Мен тўйга узлари юборишганини айтдим. Ишонимчади. Мен қайнонамнинг уйига келдим. «Қайга борган бўлсанг, йўқол, уша ёққа», деб қайнонам ҳайдади. Мен қариндош-уруғларимга бориб воқеани айтдим. Ҳаммалари «Зоҳиджон тилла йигит, ичмайди, чекмайди, сенга ишонмаймиз, ўзинг ёмонсан», — дейишди.

Зоҳид уйга келмайдиган одат чиқарди, қайнонам ва овсинларим менга баттар зулм қиладиган бўлишди. «Шундай энг яхши ўғлим, уз уйдан беэиди, сен манжа-лаги уйимизни эгаллаб утирибсан. Зоҳиднинг бахтини боғлаб, нега кетмайсан шумқадам, сенга уй-жой керакми ҳали!!!», деб ҳақоратлашни давом эттираверишди. Қайнонам эса ҳар гапида:

«Мен бу уй-жойларни кўчада қолган қанжикларга эмас, бешта ўғлим учун қўрганман», — деб менга ўқрайиб, хумрайиб қарарди доим.

1994 йил 6 август. Ишдан келсам Зоҳид менга «тезда нарсаларингни угирштир, уйингга обориб ташлайман», — деб чиқиб кетди. Бироздан сўнг юк машинаси келди. Қайнонам эса менга тегишли буюм ва

нарсаларнинг аксариятини уз хонасига олиб чиқиб кетди. (Шу ўринда мактуб муаллифи нарса ва буюмларнинг узун рўйхатини келтирган)

Мен мол-мулкимни тортиб олишганини дадам ва қўшниларибизга айтдим. Қайнонам узи намозхон бўлиб туриб менга тўхмат қилди, ҳақоратлади. Зоҳид эса ҳамманинг кўз ўнгида мени калтаклади, қайнопам ҳам онаси ва укаси томонида туриб мени ҳақоратлади. Ҳеч ким менинг гапимга қўлоқ солмади, менга ишонишмади.

Хуллас, уша куни мол-мулкимни ярим-ёрти қилиб, қалбимни вайрон қилиб ота-онам уйига обкеб ташлашди.

Орадан кунлар ута бошлади. Ўғай онам мени шаҳарга кетишимни, узимга жой топишимни талаб қила бошлади. Мен мағзиндан, касалхонадан ишдан бўшадим. 13 август куни Тошкентга Наҳрийёт босмаҳонасига иш сураб келдим, улар менга шаҳарга пропискани туғриласам ишга олишларини айтишди. Шу ерда яшайдиган қариндошларимникига келиб аҳволимни тушунтирдим. Холам ва тоғам мени пропискага қўймасликларини, агар қўйишса ҳам пулим етмаслигини, болам борлигини айтишди.

Мен яна қишлоққа қайтдим. Онам эса яна жанжал бошлади. Текстилкамбинатга боришимни масралахат берди. Яна шаҳарга келдим. Кадрлар бўлимга кириб, аҳволимни йиғлаб тушунтирдим, худога шукр, бу дунёда яхши инсонлар бор экан. Мени комбинатга ишга қабул қиладиган бўлишди. Ўғай онам буни эшитиб «Ҳайрият, сенданам қўйладиган бўлман», — деди. Мен ишлай бошладим. Аммо, яна кўнгилсизликларга дуч кела боладим. Зоҳид жазмани билан шу комбинатда ишлар эди...

ЛОБАР

(Давоми бор)

(Боши ўтган сонларда)

Савдогар — саёҳатни севади, дунёнинг ҳар хил иқлим ва шаҳарларидан хабар топади, у ерлардаги қизик ва ажойиб нарсалар ҳақида афсоналар айтиди, нодир ва гаройиб воқеаларни ҳикоя қилади. У, тоғларнинг тоши ва дашт-сахраларнинг қўмлари устида уллов-туя тортади; денгиз мавжлари ва сув тошқинларидан зарар ҳам куради, ҳалол ризқ топаман деб, узоқ ва машаққатли йўлларни босади; у тинч-осойиштагина ҳаёт кечираётгандек туюлса-да, ичида қанчадан-қанча изтироб ва ташвишлари бўлади.

Савдогарнинг бошида бирни юз қиламан деган савдо, кўнглида бузни шойига айлантираман, деган истак ҳокимдур.

Шуниингдек, савдогар сафарда юраркан, азиз-улуг ва доно кишиларни топиб, улар суҳбатидан баҳраманд бўлишни ҳам узига ният қилиб олса, ҳамда бунга риоя қил-

МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

са — алҳол, бева-бечораларга ҳам наф етати...

Тагин: савдогар муҳтожларга бериладиган шаърий закот солиғини ҳар йили уз вақтида бериб турса, фақирларнинг ҳақлари бўйнида қолмаган бўлади... Боз яна: савдогар бож-хирожни бериш урнига уз молни яшириб, уз обрусини тукмаса, ёки тоғпан-туғпанни сочиб-совуриш учун меросхўрларига асраб қўймаса ёхуд юрда бирон нохуш ҳодиса қўзғаш учун жамғармаса... Акс ҳолда бундай садагор ҳожи эмас, мардикордур, оқибат, уз пасткашлиги билан назардан қолур ва узи азоб-уқубатга гирифтор булур...

Шаҳар олибсотари — хиёнатчи, ўз фойдасини кузлагани ҳолда элга қатъчилик тилайди, унинг мақсади:

элга зиён етказиш, яъни, арзонга олиб, қимматга сотишдур. Сотарда... бузни шойи дея вайсайди, бўйрани кимхоб урнида пуллаиди. Дуконда инсофдан булак ҳамма мато мавжуд, айбига икромликдан булак барча ноинсофликлар муҳайё.

Барча халойиқ наздида айб ҳисобланган ёлгончилик — булар олдида улкан хунардир...

Миршаб ва қоровуллар — ўғри ва калла кесарларнинг ҳимоячиси ва уларнинг умидини юзага чиқарувчилардур. Зиндонда қамалиб ётганлар — дузага ташланганлар билан барабар; зиндон қоровуллари эса уларга азоб берувчи фаришта-лардур...

Бозор ва қиморхоналарда қиссавур ва қиморбозларнинг тоғпан пул-

НАВОЙИНИ ЎРГАНАМИЗ

ларидан соқчи миршаблар чўтал оладилар... Зиндондаги айбдорларда умиддан қура қўқув кўпроқ; тагин, ёмонлиқни хунар қилиб олган бу бадқирдорларга, у ерда ухарлик қилишдан таслим бўлиш яхшироқдур. Ҳар гал у ердан бировни тортиб чиқарганларида, зиндонда қолганлар беҳуш бўлиб йиқиладилар. Омон қайтиб келганларнинг ҳикоялари-да даҳшатли ва келтирган хабарлари-да ташвишли...

Ҳақ барчани бу даргоҳлардан йироқ тутсин...

Филология фанлари номзоди
Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА
тайёрлади

АЯ ТЕБРАТГАН БЕЛАНЧАК

1987 йилнинг изгирин кунлари онамнинг киркинги утказгани кишлоғимга борганимда дардкаш синфдош қизнинг машҳур санъаткор Лутфихоним ая ҳақидаги суроғидан дилдилдан қувонсам-да, кишлоқдан шаҳарга чиқмаган қизнинг олдида хижолат чекдим.

Тошкентга қайтган Лутфихоним Саримсоқовани излаб бордим, чехрасини илк бор кўрдим. Тузини едим, бошимни силадилар.

Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова 1896 йилда Андижон вилоятида таваллуд толган, ота-онасидан жуда эрта етим қолган қизчани Булоқбоши кишлоғидаги Ойимқиз исмли аёл уз тарбиясига олади, бироқ орадан кўп ўтмай меҳрибон аёл ҳам ҳаётдан қуз юмади. Шундан сўнг қизчанинг ҳаёти турли хонандларда ўтади.

1924 йили Лутфихоним Қўқондаги Тароқчилик маҳалласида очилган хотин-қизлар клубига қатнаб илм олишга интилади. Узининг хонандалик ва раққосалик қобилиятини намойиш этади. Шоир ва драматург Ҳамза билан бўлиб ўтган учрашув унинг қалбига ўчмас из қолдириди. 1934 йилдан бошлаб Лутфихоним Саримсоқова Тошкентдаги театрға ишга ўтди. Бу театр саҳ-

насида у «Аршинмололон», «Лайли ва Мажнун», «Ҳалима» каби спектаклларда етакчи ролларни ижро этади. Айни пайтда биринчи ўзбек дуторчи қизлар дастасида яккахон хонанда бўлиб ишлади. 1931 йилда Марғилон атлас фабрикасида суратга олинган «Озод» фильмида иштирок этиш билан кино санъатига илк бор қадам қўйган актриса «Опа-сингиллар», «Маҳаллада дув-дув гап», «Фарзандлар», «Сен етим эмман» каби қатор экран асарларида ажойиб образлар билан ўзбек миллий кино тарихида ўчмас из қолдириди. 1939 йили Тошкентда Муқимий номли Ўзбек Давлат мусика-ли драма театри ташкил этилиши билан Лутфихоним шу санъат даргоҳида ишлайди ва шу ердан нафақага чиқади. Унинг мазкур театр саҳнасидаги шох ролларидан бири «Нурхон» спектаклидаги Кимё образидир. Ая 30 йил мобайнида бу-ролда салкам 3 минг марта саҳнага чиқди. Муштипан



она образини классик даражада ижро этганлиги туфайли халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

СОҒИНЧ

Саломатлигида саҳна учун керак бўлган ая кексалик чоғида тузукроқ ҳузур кўрмади. Боқиб олган қизи Валентина Новак унинг учун астойдил қайғурди. Лутфихоним ая одампарвар инсон эди. Тақдири бу буюк санъаткор билан боғланган одамлар шундай ҳикоя қилишади:

Катя—Каромат САРИМСОҚОВА — Самарқанд шаҳри:

— 1941 йил, октябрда украиналик болаларни Тошкентга болалар уйига қўчиришди. Шулар қаторида мен ҳам бор эдим. Лутфихоним ая мени болалар уйидан фарзандликка олди. Менга Каромат деб исм қўйди. Самарқандда таълим олдим. Бахтим очилди, Сойибжон Пардаев исмли йигит билан турмуш қурдик. Фарзандларимиз учувчи, тарбиячи ва турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилмоқда. 1955 йилдан то нафақага чиққунимча болалар ялсисида ишладим. Ҳозир 62 ёшдаман. — Лутфихоним аядек инсон, улғузотга эҳтиромим чексиз.

Оминахон МИРМУҲАММЕДОВА — Самарқанд шаҳри:

— Ёшим 88 да, ота-онамдан эрта етим қолганман, 1924 йили Лутфихоним ая билан унинг умр йўлдоши Тожизода тоғам сингилм ва мени фарзанд қилиб олиш-

ди. Ая хизмат юзасидан қаерга бормасинлар бизни бирга олиб юрардилар. 1943 йилдан 1981 йилгача турли жамоат ташкилотларида раҳбарлик вазифаларида ишладим. Демокчиманки, ҳар ернинг тошу-тарозусига дуч келганимда меҳрибон аянинг бизга бахшида этган меҳри ва тарбияси мадад бўлди. Ҳозир нафақахўрман. Фарзанду набираларга буювжонман, халқ орасида «Она»хон бўлиб иззатдаман.

— Лутфихоним ая — менинг онам. Ҳозир ҳам ая тебратган беланчақда тарбия толган фарзандлари — Катя—Каромат Саримсоқова, Меҳри Абдуллаева, қўқонлик Хошимжон, Назира Алиева, Машраб ва Бахтиёр деган фарзандлари ҳам ҳалол меҳнатлари билан халқ олқишига сазовор бўлишган.

...Ҳа, аянинг умри охиригача оғир-енгли кунларида ҳамроҳ бўлди — шу фарзандлари. Аянинг 100 йиллигида. Муқимий номли театр жамоаси катта хотира кечаси утказди. Лутфихоним Саримсоқованинг муборак номи ва бетакрор санъати халқимиз қалбидан сира ўчмайди.

Мухтор БЕК

КОМИЛЖОН ВА ГҶЗАЛХОН

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Умримизнинг ҳар бир дақиқасини олтин тарозида ўлчаб-ўлчаб, бир-бириниизга кўпроқ меҳр ўлашиб-ўлашиб яшаш кераклигини афсуски баъзиларимиз кечроқ тушунамиз. Ваҳоланки, одам ғанимат, ҳаёт ширин, улим эса йўқ.

Бир-бирига муносиб, Рустам келбатли, Алломиш юракли Комилжон Гофуров билан исми-жисмига монанд, одоби ҳуснига ярашган Гўзалхон Гофуровалар, назаримда умрларининг ҳар бир дақиқасини олтин тарозидида тортиб улгурдилар. Улар ота-она, қайнона-қайнона, энг муҳими она Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини озми-кўпми адо этдилар.

Комилжон Гофуров узоқ йиллар Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлади. У жинойтчиликни қамайтириш, ёмонларни яхши йўлга солиш, ҳамшаҳарларининг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида фидойийлик намуналарини кўрсатди. Оддий терговчиликдан шундай масъулиятли лавозимга кўтарилган, ҳуқуқ илмини яхши билган генерал-майор Комилжон Гофуров кечакундуз ишлайдиган, Ватаним, халқим дейдиган жасур йигитлардан эди. Гўзалхон эса суюкли ёрени, қизгинасининг дадасини деярлик ҳар кунни ярим тунгача бедор кутарди. Яхшиям-ки, дунёда китоблар бор. У қўнган китобларнинг сон-саногига етиб бўлмасди. Илм йўлида изланди бир умр.

Жуда ёшлигидан китоблар ичида улғайган Гўзалхон ҳар вақтинги дадаси Набижон Умаров раҳбар бўлган катта кутубхонада ўтказди. Кейин у ота-она раъийга қараб, Гофуровлар хондонига келин бўлди. Комилжонга вафодор ёр, Марҳамат холага суюкли келин.

Гўзалга ҳақма ҳавас қиларди. Дилбарлиги-но қувноқлигини, пазандалиғи уй тушишини, катталарга меҳрини, иззат курсатишини. Марҳамат хола уни қизим-Гўзалим, деб алқарди. Гўзалхон Ўзбекистон Фанлар Академиясининг иктисодиёт институтида муттасил 22 йил ишлади. Бу

орада диссертация ёклаб, иктисод фанлари номзоди бўлди. Унаб илмий мақола-лар ёзди. Меҳнатда фаоллик курсатиди. Еру дусларига меҳр-оқибатли бўлди. Қизчаси Нилуфарни оқ ювиб, оқ таради.

— Дадам билан аям янги йилни бор-йўғи икки марта бирга қуттишган, — деб ҳикоя қилади Нилуфархон. — бошқа янги йил кечалари дадам доим хизматда бўларди.

Ҳатто да м олиш кунларида дадам ни чакириб кетишган вақтларида кўп бўлган.

Дадам билан аям бир-бирларига жудаям муносиб, кўринишлари ҳам, дунё қарашлари ҳам, ҳаётсеварликлари ҳам, меҳнатга ўчликлари ҳам бир хил эди. Дадамнинг вазифалари масъул эканлигини ва дадам уз бурчларини қаттиқ ҳис қилишларини аям тушунардилар. Ва дадамнинг уйда бўлган бир неча соатлик вақтларида яхши дам олишларига, қайфиятлари аёло бўлишига шароит яратиб, оғизларига ёқадиган таомларни пишириб берадилар.

Дадам эса аямнинг кўнглиларини кутариб, жуда ёқимли, ақли гаплар айтардилар. Уйнаб-қулиб, жуда мазмунли яшашди. Албатта биргалашиб меҳмонларга, қурортларга боришга ҳам вақт топшиди. Хуллас, 20 йиллик турмушларида сан-манга боришганини биров кўрган ё эшитган эмас.

Ҳақиқатан ҳам Нилуфархон Гофурова ақли, доно, камтар қиз бўлиб ўсди. Нилуфар Тошкент Давлат Университетининг иктисод факультетини тугатиб, Тошкент шаҳар бoш божхонасида хизмат қилапти. Пишиқ-пуктагина бу қизнинг лейтенантлик унвони бор.

— Дадам ҳозир бўлганларида эллик ешга туларди.

— дейди Нилуфар. — Уйларимизда тўйлар бўларди. Афсуски, бундан беш йил олдин 45 ёшларида хизмат вазифаларини бажара туриб, идорада юрак хуружидан вафот этдилар. Аям эса утган йили апрел ойида, улар ҳам 45 ёшларида ишдан қайтишда автомобиль ҳалокатидан...

Нилуфарнинг чиройли қузлари жиққа ешга тулди. Шу чоқ сузни Гўзалнинг синглиси бўлиши Севархон давом эттиради.

— Гўзал олам сунгги йилларида Яқкасарой тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлиб, худди Комилжон почкамдек эл учун, юрт учун ёниб ишлаб юрган эдилар. Бировга яхшилик қилишга шўнчалар шошиларди-ки, асти кувяверинг. Мен... ёлғиз қолмадим, — Нилуфар менга тетик боқаркан шундай деди. — Дадамнинг акалари Қобилжон амакчи жуда меҳрибонлар. Марҳамат бўвим, Ҳўкуматон бўвим; Насиба, Нафиса, Наима ва Ноила аммаларим, холаларим,



жианларим кунора хабар олишиб кунлимини кутаришади. Нимаики керак бўлса, ёрдам беришади. Уғилчаниннг дадаси Жавлон акам ёнимдалар. Қайнона оймайлар — Дилоромхон ая худди уз онамдек меҳр бераёттилар. Уғлимга қараб, яхши ишлашимга шароит яратганлар. Илоҳим бахтимга соқ бўлсинлар. Аямнинг, дадамнинг идораларидан ҳам келиб, хабар олишади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Саид ота» қабристонидида Комилжон Гофуров қабри узра бир ажойиб шох супа ва пешайвон қад кутарган. Бу ерда генерал-майор Комилжон Гофуровнинг бюсти қиблага мағрур боқиб турибди. Атрофда эса гуллар чаман очилган. Бу муҳташам обидани яратишда Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ва Гўзалхоннинг хизматлари катта бўлган эди.

Яқинда эса Комилжон Гофуровнинг ўчмас сиймоси рупарасига Гўзалхон Гофуровнинг ҳам бюсти урнатилди. Улар худди яшаган умрларидек бир-бирларига меҳр билан бўқиб, майин табассум изор қилиб турибдилар.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси Комилжон Гофуровнинг номи абадийлаштиришга ҳам катта ҳисса қўшди. Узи ўқиган мактабга, милиция лицейига ва Собир Раҳимов туманидаги кўчалардан бирига «Генерал Комилжон Гофуров» номи берилди.

Нилуфархон эса уғилчасининг исмини Комилжон қўйди. Тугрироғи, бу исми Гўзалхон қўйган, набирасини эркалаб улгурган эди. Ҳали бу оилада насиб этса Гўзаллар тургилади, Гўзаллар, Комилжонлар воғга етади. Ҳа, яхшиларнинг номи, амалга оширган эзгу ишлари сира-сира ўлмайди.

Санъат МАҲМУДОВА

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарк қилиши мумкин.

Кўлэмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълолар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яққа обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0378
30850 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ,
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ.
Набатчи Д. ТУРҶУНОВА.